**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**
**ШАРТНОМА № 108**

Фаргона шахри. «07» март 2022 йил.

Бир тарафдан Низом асосида фаолият кўрсатувчи, келгусида «БАЖАРУВЧИ» деб юритилувчи «UNIX» Укув-Компьютер маркази МЧЖ номидан рахбар А.А.Юсупов, иккинчи тарафдан Низом асосида фаолият кўрсатувчи, келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб юритилувчи «ФАРГОНА ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ» АЖ номидан бош директор А.Р.Сайдалиев ўртасида қйидагилар тўғрисида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг топшириғи буютмасига асосан амалдаги шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган хизматларни бажаради ва «БУЮРТМАЧИ»га топширади. «БУЮРТМАЧИ» эса иш натижасини қабул қилиб, тўловларни амалга оширади.

1.2. «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг буюртмасига асосан Орг.техника воситаларига сервис ва техник хизматини курсатиш хизматларни кўрсатади.

1.3. «БАЖАРУВЧИ» ишларни «БУЮРТМАЧИ» билан келишилган холда бажаради.

1.4. Ишни «БАЖАРУВЧИ» ўз хизматчилари билан бажаради.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Хисобот шакли «БУЮРТМАЧИ» томонидан ўрнатилади.

2.2. «БУЮРТМАЧИ» ушбу шартномага асосан бажарилган иш учун белгиланган тўловни тўлаб беради.

3 ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ТЎЛОВ УСУЛИ.

3.1. Шартноманинг умумий бахоси 60 315 200 (олтмиш миллион уч юз ун беш минг икки юз) сум.

3.2. «БАЖАРУВЧИ»га шартноманинг умумий суммасининг 15 фоизини олдиндан «БУЮРТМАЧИ»ни хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Якуний хисоб-китоб бажарилган ишлар қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширилади.

3.4. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабр кунига қадар амал қилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда хар бир тараф бошқа тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огохлантириб ушбу шартномани бекор қилиш хуқуқига эга.

4.2. Ишни бажариш муддатларини бузган холда иш бажарилган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» етказилган зарарни бартараф қилиш талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш хуқуқига эга.

4.3. Ишни бажаришда «БАЖАРУВЧИ» томонидан йўл қўйилган иш натижаларини ёмонлаштирадиган даражадаги камчиликларни бартараф қилиш учун кетган сарф харажатлар «БАЖАРУВЧИ» томонидан «БУЮРТМАЧИ»га қоплаб берилади.

4.4. Ишни бажаришда «БАЖАРУВЧИ» томонидан шартнома шартларини бузиш ёки бажарилган иш натижаларини ёмонлаштирадиган даражадаги камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сўмма миқдорини 20 фоиз камайтирилади.

4.5. Ишни бажаришда муддатларга риоя қилмаганлиги учун «БАЖАРУВЧИ» хар кечиктирилган кун учун «БУЮРТМАЧИ»га шартнома қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Жарима ва пеня тўланиши «БАЖАРУВЧИ»ни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Тарафлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан ёки судларда хал қилинади.

5.2. Ушбу шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишуви асоснда амалга оширилади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| **«БУЮРТМАЧИ»** | **«БАЖАРУВЧИ»** |
|---|---|
| «ФАРГОНА ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ» АЖ | «UNIX» Ўқув-Компьютер Маркази МЧЖ |
| Манзил: Фаргона шахар, Кувасой кўчаси 74,9-уй | Фарғона ш., Ватан равнақи к-си, 28«А»-уй |
| Х/р: 20 210 000 200 215 289 001 | Тел./факс: (73) 244-84-00 |
| УзСКБ Фаргона Минтакавий фил. | Х./Р.: 20 208 000 000 216 584 001 |
| Банк коди (МФО): 00 494 | АТ Халк банки, Фарғона вил. худудий фил. |
| СТИР: 200 144 930 | Банк коди (МФО): 00 497 |
| | СТИР: 200 149 084 |
| **Рахбар:** ______________ **А.Р.Сайдалиев** | **Рахбар:** ______________ **А.А.Юсупов** |